
"MERIDIAN DIAGNOSTIC HOSPITAL" КЛИНИКАСИДА РАДИОЛОГИЯ БЎЛИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ЯҚИН ДАВРДА ЛАЗЕР ХИРУРГИЯСИ БЎЛИМИ ҲАМ ИШ БОШЛАЙДИ

Фарғона шаҳридаги "Meridian diagnostic hospital" тиббий диагностика марказида 1,8 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш натижасида радиология бўлими ташкил этилди.

Бугун вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров шаҳарнинг Маърифат кўчасида жойлашган ушбу тиббиёт муассасасида бўлиб, янги бўлим фаолияти билан танишди.

Радиология бўлимига Германиянинг Siemens компаниясида ишлаб чиқарилган юқори технологик рентген ва ангиограф аппаратлари, шунингдек, Philips компаниясининг мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) жиҳози олиб келиб ўрнатилди. Бўлимда фаолият олиб бориши учун хорижий мамлакатларда таҳсил олган юқори малакали маҳаллий мутахассислар жалб қилинди.

Нурилло Мамасодиқов раҳбарлигидаги "Meridian diagnostic hospital" яқинда Фарғонада иш бошлаган Central Asian Medical University (Марказий Осиё тиббиёт университети)нинг асосий таянч тиббиёт муассасаси ҳисобланади.

Яқинда клиникада Фарғона водийсида ягона лазер хирургияси бўлими ҳам фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Ушбу бўлим учун Корейдан қиймати 5 миллиард сўмлик тифсиз операцияларда фойдаланиладиган лазер жиҳозлари келтирилмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-11-03 15:06:56